

# Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 17-fevral, payshanba

№ 06 (9170)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

## ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 февраль куни чорвачилик соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, бу соҳа оилалар фаровонлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта ўрин тутди. Аҳолининг кундалик истеъмол харажатларининг 30 фоизини гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари ташкил этади.

**ОХИРГИ УЧ ЙИЛДА ЧОРВАЧИЛИК БЎЙИЧА ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОРЛАРГА АСОСАН, 8 ТУРДАГИ СУБСИДИЯ ВА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ ЙЎЛГА ҚўЙИЛДИ. ШУ ДАВРДА ЧОРВАЧИЛИККА 15 ТРИЛЛИОН СЎМДАН ЗИЁД КРЕДИТ АЖРАТИЛИБ, 4 МИНГ 500 ГА ЯҚИН ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛДИ. НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ Сони 3 БАРАВАРГА КўПАЙИБ, 1 МИНГ 414 ТАГА ЕТДИ. НАТИЖАДА, 2019-2021 ЙИЛЛАРДА ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ БОШ Сони 1 МИЛЛИОН 200 МИНГТАГА КўПАЙДИ.**

Лекин иқлим ўзгаришлари, сув ва ер танқислиги, пандемия каби замонамизнинг долзарб муаммолари чорвачиликни ҳам қийинлаштиради.

Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида йирик чорвачилик хўжаликлари сони бошқа ҳудудларга нисбатан анча кам. 90 фоиз чорва хонадонларида боқилса-да, кўп жойларда озуқа-ем таъминоти тизими йўқ. Сўнгги 15 йилда озуқа ер майдони 430 минг гектардан 340 минг гектарга, бир бош қорамолга тўғри келадиган озуқа майдони 50 сотихдан 27 сотихга камайган. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарёда такрорий озуқабол экин майдонлари 23 минг гектарга қисқарган.

Шу боис, чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш, ресурс тежовчи технологияларни кенг қўллаш орқали гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлмоқда.

Йиғилишда шу борадаги долзарб масалалар, имкониятлар таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу йил чорвачиликда камида 300 минг, қўй-эчкиликда 150 минг, пиллачиликда 1 миллион 200 минг, жами 1 миллион 650 минг аҳоли бандлигини таъминлаш имкони борлигини таъкидлади.

Бунинг учун, аввало, хонадонларда кооперация орқали чорвани кўпайтириш керак. Юртимизда бу соҳада яхши тажрибалар кўп. Масалан, Қашқадарё вилояти Миришкор туманида “Тошматов Нормўмин” фермер хўжалиги Вори қишлоғидаги хонадонларга қорамол, қўй-эчки тарқатиб, улар етиштирган сут ва гўштни сотиб олмақда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош туманидаги “Тахياتош Чикенс” қорхонаси хонадонларга хонаки парранда бериб, улардан инкубацион тухум сотиб олишни йўлга қўйган.

Президент бундай тажрибаларни бошқа туман ва маҳаллаларда ҳам кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу мақсадда қатор молиявий кўмак чоралари белгиланди. Яъни,

**ЖОРИЙ ЙИЛ ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ, ХОРИЖИЙ КРЕДИТЛАР 10 ЙИЛ МУДДАТГА 3 ЙИЛ ИМТИЁЗЛИ ДАВР БИЛАН АЖРАТИЛАДИ, КРЕДИТ ФОИЗИНИНГ 14 ФОИЗДАН ЮҚОРИ КИСМИГА КОМПЕНСАЦИЯ ҲАМДА КРЕДИТ СУММАСИНИНГ 50 ФОИЗИГА КАФИЛЛИК БЕРИЛАДИ, ГИДРОПОНИКА УСУЛИДА ОЗУҚА ЕТИШТИРИШ УЧУН УСКУНАЛАР ХАРАЖАТИНИНГ 20 ФОИЗИ КОПЛАНАДИ.**

(Давоми 2-саҳифада)



## САМАРҚАНДГА ЎТГАН ЙИЛИ

ҚАРИЙБ 8 МИНГ БОШ

## ЗОТДОР ҚўЙ КЕЛТИРИЛДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТЕГИШЛИ ҚАРОРИ АСОСИДА, КЛАСТЕР ҚОРХОНАЛАРИ ВА НАСЛЧИЛИК ЙўНАЛИШИДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН НАСЛИ ҚОРАМОЛ, ҚўЙ ВА ЭЧКИЛАР УЧУН ИМТИЁЗ БЕРИЛИШИ ҚОРАМОЛЛАР НАСЛИНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА 199 ТА ҚўЙЧИЛИК ЙўНАЛИШИДАГИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ МАВЖУД БўЛИБ, УЛАР ТОМОНИДАН 300 МИНГГА ЯҚИН ҚўЙ ПАРВАРИШ ҚИЛИНМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ РОССИЯ, ҚОЗОҒИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ДАВЛАТЛАРИДАН 7 МИНГ 830 БОШ ЗОТДОР ҚўЙЛАР ОЛИБ КЕЛИНДИ.**



## ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БўЛИМИ ҲАМДА ҚўЙ ЗАРАФШОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИҚДА БОШҚАРМА ТОМОНИДАН 2021 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ҲАМДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА ИРРИГАЦИЯ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2021-2023 ЙИЛЛАРГА МўЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ Тўғрисида”ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ БўЙИЧА ВИЛОЯТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР ЮЗАСИДАН ПРЕСС-ТУР ТАШКИЛ ЭТДИ.**



### БМТ СЕССИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲИСОБОТИ КўРИБ ЧИҚИЛАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш бўйича кўмитасининг 81-сессияси 2022 йил 7 февралда гибрид шаклда бошланди ва 25 февралгача давом этади.

Сессияда Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидаларини бажарилишида эришилган натижаларни муҳокама қилиш белгиланган. Мазкур Конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон ушбу Конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилган.

Сессияда 15-16 февраль кунлари Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузаси кўриб чиқилади. Шу муносабат билан БМТ кўмитаси сессиясида мамлакатимиз делегацияси онлайн иштирок этмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

### БУЛОҚБОШИ ТУМАНИДА ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Қашқар маҳалласи ҳудудида йилга 2-2,5 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилиши бошланди.

Андижон вилояти ҳоқими Шўхратбек Абдураҳмонов, хитойлик мутахассислар, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида қорхона қурилиши бошланишига бағишланган тадбирда мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, хусусан, маҳаллий ишлаб чиқариш қорхоналарини қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг чекка ҳудудларида янги қорхоналар барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

– Мазкур йўналишда Булоқбоши туманида цемент ишлаб чиқариш заводининг барпо этилиши кўплаб янги иш ўринлари яратилишига, умуман, юртимизнинг иқтисодий юксалтиришига хизмат қилади, – деди вилоят ҳоқими Ш.Абдураҳмонов.

Тадбирда махсус тўғма босилиб, қурилиш ишларида дастури берилди. Инвестиция дастури асосида умумий қиймати 250 миллион долларга тенг бўлган лойиҳа доирасида “ANDIJAN WCC CEMENT” масъулияти чекланган жамияти томонидан қарийб 40 гектар майдонда барпо этиладиган мазкур қорхона қурилиб, тўла қувват билан иш бошлагач йилга 2-2,5 миллион тонна, уч хил турдаги цемент маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Қорхонаниннг йиллик экспорт қуввати 10 миллион долларни ташкил этади.

Қорхонаниннг ишга тушиши билан минг нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Уларнинг 300 нафарини ёшлар ташкил этади.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

**"Чорванасл" агентлигига ҳар бир туман кесимида наслчиликни яхшилаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди**

**Порахўрлик – тараққиётга ғов ушбу иллатдан қутула оламизми?**

## ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Соҳадаги яна бир даромадли йўналиш – оч рангли қўй-эчкилар жундан гилам, мато ва бошқа маҳсулотлар тўқиб сотиш. Йиғилишда Ангрен шаҳри, Косон, Ромитан, Навбахор туманларидаги шундай ишлар намуна қилиб кўрсатиб ўтилди.

Шу ойдан бошлаб, насли қўй ва эчки харид қилиш, сут, гўшт ва жунни қайта ишлаш ҳамда ем тайёрлаш цехлари ташкил этиш учун имтиёзли давр билан кредитлар ажратиладиган бўлди. Бу

**КРЕДИТЛАР АҲОЛИГА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТАВСИЯСИ АСОСИДА, 50 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ГАРОВ ТАЪМИНОТИСИЗ АЖРАТИЛАДИ, КРЕДИТ ФОНЗИНИНГ ЯРМИНИ ҚОПЛАШГА КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИЛАДИ.**

Аҳолига кооперация асосида 350 минг бош қўй ва эчки тарқатилиши, бу мақсадлар учун 100 миллион доллар йўналтирилиши маълум қилинди.

Бу йил соҳада 123 та йирик лойиҳа режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари уларни ўз вақтида ишга тушириш билан бирга қўшимча имкониятлар топиш, озуқа майдонларини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Жумладан, ернинг бир қисмини алмашиб экиш ҳисобига, ҳар бир кластерда камида 500 бошли чорвачилик комплекси ташкил этиш мумкин. Шунингдек, фойдаланишдан чиққан ва янги ерларни ўзлаштириб, чорва боқса бўлади.

Бундай

**ЛОЙИҲАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН 120 МИЛЛИОН ДОЛЛАР КРЕДИТ СИФАТИДА ЙўНАЛТИРИЛИШИ, СУБСИДИЯ, БОЖХОНА ВА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛИШИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.**

Мутасаддиларга жорий йилда халқаро молия ташкилотларидан 500 миллион доллар жалб этиб, чорвачиликни ривожлантириш лойиҳаларига йўналтириш бўйича кўрсатма берилди.

Президентимиз чорва маҳсулдорлигини ошириш, наслчиликни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

**СОҲАГА ИЛМ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ МАСЪУЛ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ.**

Энди ушбу институт мақоми оширилади ҳамда унга ветеринария, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тажриба институтлари бириктирилади. Бу муассаса кластерларга амалий ва методологик кўмак бериб, пуллик хизматлар кўрсатади, аҳоли ва фермерларни қисқа муддатли курсларда ўқитади.

"Чорванасл" агентлигига ҳар бир туман кесимида наслчиликни яхшилаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари, тадбиркорлар сўзга чиқди.

ЎЗА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**КОРРУПЦИЯ БИР НЕЧА МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА. КОРРУПЦИЯНИНГ ҲОЗИРГАЧА ЕТИБ КЕЛГАНЛИГИ ШУНДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИКИ, БОШҚА ИЛЛАТЛАР КАБИ УНИ ҲАМ ТАГ-ТУГИ БИЛАН ЙЎҚОТИБ БЎЛМАЙДИ.**

Ҳатто ривожланган давлатлар ҳам коррупциядан буткул халос бўлолмаган. Бироқ жамият ривожига хавф соловчи бу иллатнинг олдини олиш, унга қарши курашиш барча давлатларда ҳаммиша давом этган. Бозор иқтисодиёти тизими кушандаси, давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик, бизнес ҳамда инвестиция ривожига шафқатсиз тўсиқ ҳам айна шу коррупция ҳисобланади. Ҳар йили ўнлаб қўшма корхоналарнинг очилиши ва ёпилиши замирида ана шу "кўринмас қўллар" ётади. Коррупция даражаси юқорилашган давлатга чет эл инвестициясини киритиш камайиб бораётганининг асл сабабларини ҳам шу хавфли иллатдан излаш лозимга ўхшайди.

Олдин Ғарб, кейинроқ Осиё давлатларида бу масала чуқурлашиб, жамиятда "касаллик" ҳудуди, қўлами ва даражаси кучайиб бораётган экан, нима қилмоқ керак, деган доимий савол пайдо бўлади. Нима қилса, дунёни эгаллаб, мамлакатлар иқтисодиётига раҳна солаётган бундай бало-қазонинг таъсир доираси камайди?!

Коррупция кенг қамровли тушунча бўлиб, у жамиятнинг айрим қатламлари, тоифалари, гуруҳларнинг қундалик фаолиятига айланиб, ўзаро бир-бирига боғлиқ, чирмашиб кетганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Порахўрлик ва коррупция ўзбек жамиятининг ривожланишига, хусусан, демократик янгиланиш ҳамда модернизациялаш жараёнига ҳар жиҳатдан



ҳалақит бермоқда. Гарчи бу масала узоқ йиллардан бери таъкидланиб, "қўлга тушган" амалдорлар телевидение ва матбуотда намоёйш этилганига қарамаддан, суд, прокуратура, идора раҳбарлари ҳамда оддий фуқароларнинг қон-қонига сингиб кетган феодализм сарқитлари, таъмагирлик, бюрократия жамиятимиз ҳаётини йўқолиб кетмапти.

Коррупция биринчидан жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига олиб келади, бу эса барча соҳадаги ислохотларнинг натижасига салбий таъсир этмай қолмайди. Иккинчидан, фуқароларимизда

ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмагани жамиятда адолат мезонининг бузилишини кўпайтиради. Учунчидан, сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари мазмун-моҳиятига кўра, замон талабидан орқада қолмоқда, бу камчилик эса олдинга силжишимизга халақит беради.

Бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда коррупцияга қарши курашиш ва энг муҳими, коррупциянинг олдини олиш ишларини ташкил этишга қаратилган мақсадларни рўйба чикариш, коррупцияга қарши курашиш

ишларининг самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари сифатида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан давлат идоралари ўртасида ҳамкорликни замон талаблари даражасида ташкил этиш, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигига эришиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий билим ва савияларини янада оширишни йўлга қўйиш бу иллатнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

**Саъдулла ИСЛАМОВ,**  
Янгийўл тумани ФВБ бошлиғи,  
подполковник.

## УЙЧИЛИК ТОМОРҚАЧИЛАР

Наманган вилояти Уйчи туманида 32,2 гектар майдонда 2064 та ихчам иссиқхона ташкил этилган. Жорий йилда аҳоли томорқаларида яна 893 та иссиқхона барпо этиш режалаштирилган.

Туманининг Ҳизрорабод қишлоғида яшовчи Матлуба Тўрабоева ҳам ер билан тиллашган омилкорлардан. Унинг тасарруфидаги 1 гектарли иссиқхона мажмуасига лимон кўчатлари экилган. Экинлар орасида, шунингдек, саримсоқпиез ва қулупнай етиштирилади.

Қулупнайдан айна даврга қадар икки бор ҳосил олинди. Унҳаёт маҳалласидаги Илҳомбой Машрапов 6 сотихли иссиқхонасида помидор, бодринг, кўкатлар, лимон, редиска, узум етиштириб йилига 3-4 мартагача ҳосил олмақда. Даромад 65-70 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Ёрқатойлик Жамолдин Абдурахимовнинг ҳам томорқасида 6 сотихли иссиқхонаси бор. Унда лимон, редиска, узум, цитрус мевалар, манзарали гул кўчатлари етиштирилади. Томорқачи йилига 120-130 миллион сўм даромад олиб, ҳамқишлоқларига намуна бўлмоқда.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА)**  
олган сурат.



## ЎТГАН ЙИЛИ ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ, ЖОРИЙ ЙИЛГИ РЕЖАЛАР ҚАНДАЙ?

Сарҳисоб

**КУНИ КЕЧА МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ 2021 ЙИЛДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ ЯҚУНЛАРИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИШ РЕЖАСИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР ЎТҚАЗИЛДИ.**



Тадбирда таъкидланганидек, ўтган йили уюшма томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Давра суҳбатлари, тақдиротлар, семинарлар, медиа-турлар, кўрик-танловлар ўтказилди, ҳамкорлик меморандуми имзоланди. ОАВларда мазкур тадбирлар кенг ёритиб борилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 26 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда "Жамият ва

оммавий ахборот воситалари" мавзуида минтақавий семинарлар ташкил этилди.

Уюшманинг Фарғона вилояти билан ҳамкорликда 2021 йил февраль ойида Фарғонадаги "Чимён" сихатгоҳида республика медиафоруми ўтказилди. "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларидаги очкилик, сўз эркинлиги ва жамият" мавзуида медиафорумда республикамизнинг барча вилоятларидан 100 нафар журналист иштирок этди. Уюшманинг Самарқанд вилояти бўлими билан ҳамкорликда "Мамлакатдаги ислохотларни ёритишда жанрлар

ва журналист маҳоратининг аҳамияти" мавзуида Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятлари журналистлари иштирокида минтақавий семинар ўтказилди.

Тадбирда уюшманиннг жорий йилга мўлжалланган иш режаси асосида белгиланган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг жорий йил 28 январда имзоланган фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда уни "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, уюшманиннг жорий йилдаги устувор йўналишларини белгилашда аввалги йиллардан фарқли равишда бутунлай янгича ғоя ва мақсадлар асосида ёндашилган.

Жорий йилги иш режасига тўхталар экан, уюшма раиси О.Усаров шу йилнинг 24-31 март кунлари Навоий вилоятида "Миллий журналистика: анъаналар давомийлиги ва замонавийлик" мавзуида республика медиафоруми ўтказилишини, Тошкент вилоятининг Бустонлиқ туманида истеъдодли ёш журналистларнинг "Умид ёғдуси" семинари, шунингдек, март ойида Жиззах вилоятига пресс-тур уюштириш

кўзда тутилаётганини айтиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий журналистлар ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирокида таниқли журналист Сафар Остонов хотирасига бағишлаб мини-футбол мусобақаси ҳамда устоз Сайди Умиров хотирасига бағишлаб шахмат мусобақаси, қолаверса, Марказий Осиё давлатлари журналистлари ўртасида шахмат бўйича Марказий Осиё биринчилиги мусобақаси ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Маълумки, Хитой, Корея, Россия каби давлатларнинг Журналистлар уюшмалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Жорий йил давомида эса Тожикистон, Туркия, Озарбайжон давлатларининг Журналистлар уюшмалари билан ҳам ҳамкорлик меморандумлари имзоланиши ҳамда мазкур мамлакатларга журналистларнинг тажриба алмашишини таъминлаш мақсадида ижодий сафарлар уюштириш, шунингдек, бир қатор чет эл давлатларининг етакчи журналистлари юртимизга ташрифи ҳамда улар иштирокида мастер класслар ташкил этиш кўзда тутилган.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ижодий кенгашлар фаолиятини янада жонлантириш юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Тадбир давомида "Yurida-Matbuot" дастури тақдироти ҳам ўтказилди ва уюшма томонидан лотин алифбосидаги матнларнинг орфографик бехато ёзилишини таъминлашга мўлжалланган "Yurida-Orfo" дастури сертификатлари тахририятларга бегараз ёрдам сифатида топширилди.

Ўз мухбиримиз

Олтинчи даврий ҳисобот  
унда нималар акс этган?

Жорий йилда 22,7 минг гектарда томчилатиб ва  
ёмғирлатиб суғориш йўлга қўйилади

# ЙИРИК ЛОЙИХАЛАР ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

(Боши 1-саҳифада)

Дастлаб тадбир иштирокчилари Кармана сув тўғони фаолияти билан танишди. Зарафшон дарёсининг сувини тўсиш ва ушбу сув манбасидан унумли фойдаланиш мақсадида 50 йил аввал ишга туширилган мазкур иншоот шу вақтга қадар қўл бошқаруви ҳамда тахминий ўлчовлар асосида ишлатилиб келинган. 2020-2021 йилларда амалга оширилган реконструкциядан сўнг тўғон фаолияти тўлиқ автоматлаштирилди. Хусусан, сув сатҳини аниқлик билан ўлчаб, таҳлил қилиб берувчи датчиклар ўрнатилди. Бундан ташқари, сув тўғони дарвозалари ҳам автоматлаштирилиб, эндиликда келган талабномаларга қараб Кармана тумани ҳудудига сув берувчи ўнг қирғоқ ёки Навбахор ва Кармана туманлари ҳамда йирик корхоналарига сув етказувчи чап қирғоқ каналларига ўта аниқликда сув етказиб бериш имкони яратилди. Диспетчерлик хонасидаги компьютерларга “Ақли сув” дастури ўрнатилган бўлиб, бу жараёнларнинг барчаси бевосита мониторингларда назорат қилиб борилади.

Диспетчер Бахтиёр Худоёровнинг айтишича, қайси дарвозадан қанча сув оқиб ўтганлиги аниқ рақамлар акс этаётгани, сувни ўта аниқликда тақсимлашда муҳим саналади.

– Навоий вилоятида иккита сув омбори



ҳамда иккита сув тўғони мавжуд, – дейди вилоят Сув омборлари бошқармаси бошлиғи Искандар Раупов. – Хатирчида “Кўксарой”, Нуротада “Сентобсой” сув омборлари жойлашган бўлса, Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги Кармана ва қуйи қисмидаги Навбахор сув тўғонлари Навбахор тумани ҳудудига жойлашган. Сув омборларимизда сақланадиган ўртача сув миқдори 8,6 млн. метр кубни ташкил этади. Мазкур сув омборлари ҳам фермер, деҳқон ва боғдорчилик хўжаликлари майдонларини суғоришда муҳим аҳамият касб этади.

Пресс-тур дастури бўйича иккинчи манзил “Конимех-1” насос станцияси ҳам мамлакатимиз ирригация тармоқларидаги

яна бир муҳим объект саналади. Бу ерда 8 дона “SXK 900-1050” маркали насос агрегати мавжуд. Станциянинг умумий сув чиқариш қобилияти 3 м³/секундани ташкил қилади. Насос станция ўнг қирғоқ канали сувини 24 метр баландликка чиқариб беради ҳамда бу орқали 21 минг 600 гектар ер майдони сув билан таъминланади.

Тадбир иштирокчилари бу ерда сув миқдорини “онлайн” режимда мониторинг қилиш ускунаси билан танишишди ва шу ернинг ўзиде Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Нодир Шомуродов иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Мутасадди раҳбар юқоридаги қарор асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида сув ресурслари

рени бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросига тўхталар экан, 2023 йилга қадар бошқарма балансидаги насос станцияларидаги 9,7 км. сув қувурларини реконструкция қилиш ишлари ва жами 117 дона суғориш тик қудуқлари қурилиши амалга оширилишини маълум қилди. Бундан ташқари, мазкур даврда 16 та насос агрегати ва 18 та электродвигатель замонавий энергия тежамкорлигига алмаштирилади. Шу билан бирга насос станцияларига жами 41 та сув сарфи ҳисобини “онлайн” режимда мониторинг қилиш ускуналари ўрнатилиши ҳам режалаштирилган.

– Сув таъминотининг айрим жойларга етиб бормаслигига яна бир сабаб қўллаб ҳудудларда ноқонуний ариқ ва зовурларнинг қурилгани билан ҳам боғлиқ, – дейди бошқарма бошлиғи. – Яқинда бу борада мониторинг ишлари амалга оширилди. Натигада вилоят ҳудудида 400 километрдан зиёд сув тармоқлари фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда бошқалар томонидан ўзбошимчилик билан қазилиб, узоқ йиллар давомида фойдаланиб келинаётгани аниқланди. Эндиликда бу ҳолатлар бартараф этилади.

Маълум қилинишича, сув етишмовчилигининг олдини олиш учун эса фермер хўжаликларига сувни тежовчи ускуналар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2021 йилда 7,7 минг гектарда томчилаб ва ёмғирлатиб суғориш йўлга қўйилган бўлса, жорий йилда 22,7 минг гектарда ана шундай янги лойиҳалар йўлга қўйилади.

Очиқ мулоқот чоғида бошқарма бошлиғи журналистларнинг бир қатор саволларига батафсил жавоб берди.

Отабек АСЛОНОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## БМТ СЕССИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲИСОБОТИ КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Конвенция қоидаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган Олтинчи даврий ҳисобот 2016 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олган. Ушбу маърузани тайёрлашда 30 дан ортиқ давлат органи ва 20 дан зиёд фуқаролик жамияти институти иштирок этган.

Олтинчи даврий ҳисоботда Конвенция қоидаларининг модда-модда амалга оширилиши, Ўзбекистон қонунчилигига мазкур йўналишда киритилган сўнгги ўзгаришлар, хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумот берилган. Хусусан, хотин-қизларни камситмаслик соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши, Ўзбекистон ҳукумати томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини кучайтириш, эркаклар ва аёллар ўртасида амалда тенгликни ўрнатишни жадаллаштириш, хотин-қизларга нисбатан жамиятдаги нотўғри қарашларга барҳам бериш, никоҳга оид масалалар ва оилавий муносабатларда, сиёсий фаолият ва жамият ҳаётида, таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий, халқаро ҳамкорлик соҳаларида хотин-қизларни камситишга йўл қўймашлик борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган.

Қайд этиш керак, кўмита Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидалари бажарилишини мониторинг қилиш билан шуғулланади. Бугунги кунда 18 нафар мустақил эксперт мазкур кўмитанинг аъзоси ҳисобланади.

Сессия якунида даврий ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари юзасидан тегишли давлатларга таклиф ва тавсиялар тақдим этилади.

М.КОМИЛОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Пахта-тўқимачилик кластерининг “SAYXUN COLD OIL” корхонаси иш бошлади



Пахта-тўқимачилик кластерлари чигит экишдан тортиб, пахтадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган каттагина босқичдаги ишларни мустақил амалга оширмоқда. Бу эса, пахта-тўқимачилик кластерлар фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини очиш, ишсиз аҳоли қатламини муқим иш жойлари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Сайхунбод туманидаги “POLY TEX SIRDARYO” кластерининг ташкил топганига унча кўп вақт бўлмади. Қисқа фурсатда, пахта-тўқимачилик кластери пахта хомашёсини экишдан, етиштиришга, етиштирилган хомашёни қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот олишгача бўлган жараёнларни муваффақиятли амалга ошириб, юқори самарадорликка эришди. Иш, хизмат, қайта ишлаш жараёнлари режа асосида йўлга қўйилди. Яқинда, мазкур пахта-тўқимачиликка ихтисослашган кластер жамоаси, яна битта янгиликка қўл урди. Улар ўзлари етиштираётган ярим тайёр хомашёдан ёғ ва ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида “SAYXUN COLD OIL” корхонасини қуриб, ишга туширди. Ишлаб чиқариш технологияси чет давлатлардан келтирилди.

– Корхонани қуриш, уни ишга тушириш жараёни бирдан, бир вақтнинг ўзи-

да бўлмади, – дейди “SAYXUN COLD OIL” МЧЖ бош иқтисодчиси Эрмонқул Ҳусанбоев. – Уни ишга тушириш учун “POLY TEX SIRDARYO” пахта-тўқимачилик кластери таъсисчилари томонидан 29 миллиард сўм миқдоридаги маблағ сарфланди. Техник чигитдан ёғ ишлаб чиқарилмоқда. Кунлик ишлаб чиқариш қуввати 85-90 тоннани ташкил этиб, қайта ишланган чигитдан 20 тонна ёғ, кунжара ва шулха маҳсулотларини ишлаб чиқараяпмиз. Ҳозир, мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган, кунлик ёғ маҳсулотларининг 15 тоннаси Хитойдан келтирилган қадоқлаш ускунаси орқали 4,2 литрли бежирим ва чиройли идишларга қадоқланмоқда. Ёғ маҳсулотлари биржа савдоси орқали истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Энди 1, 3 литрли идишларга қадоқлаш, ёғ ишлаб чиқариш жараёнида чигит таркибидан

ажратиб олинган техник сопистокдан совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ишнинг бир маромда кетиши хомашёга боғлиқ. Корхонага техник чигит маҳсулотлари “POLY TEX SIRDARYO” пахта-тўқимачилик кластеридан, қолаверса, вилоятнинг Сирдарё, Гулистон туманидаги пахта-тўқимачилик кластерларидан келтирилмоқда. Яқинда қўшни Қозоғистондан кунгабоқар келтирилиши кутиляпти. Ҳамкорлик шартномаси муваффақиятли имзоланган, минг тонадан зиёдроқ кунгабоқар келтирилади.

Ҳозирда корхонада ишчилар сони 75 нафарни ташкил қилмоқда. Тула қувват билан иш бошлагач, улар сони яна 100 тага ошади. Корхонада ишчиларнинг дам олишлари ва ишлашлари учун барча шароитлар яратилган.

Ғулوم ПРИМОВ,  
журналист.



## САМАРҚАНДГА ЎТГАН ЙИЛИ ҚАРИЙБ 8 МИНГ БОШ ЗОТДОР ҚҲЙ КЕЛТИРИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Жумладан, вилоятнинг Қўшработ туманида бугунги кунда қўйчиликка ихтисослашган 1 та кластер ва 67 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларда 19 минг 421 бош қўй парвариш қилинмоқда. Мазкур хўжаликларнинг 3 таси наслчиликка ихтисослашган бўлиб, улар томонидан 3 минг 435 бош насли қўй боқилмоқда.

Четдан олиб келинган насли қўй ва эчкиларнинг ҳар бир бошига 400 минг сўм миқдорида субсидия ажратилиши белгиланган бўлиб, мазкур имтиёздан қўшработлик чорвадорлар ҳам унумли фойдаланмоқда. Улар биргина ўтган йилнинг ўзида четдан 3 минг 882 бош насли ҳисори қўйлар олиб келди.

– Наслдор қўйлар туманимиз иқлим шароитига тез мослашди. Уларнинг ҳар биридан сифатли ва насли кўзи олиш мақсадида отарларга жайдари қўйлар аралаштирилмай боқилмоқда. Ҳисори қўйлар шунингдек, сергўштлиги билан алоҳида ажралиб туради. Боқилган кўчорлар 80-90 килограммгача тош босмоқда. Инспекциянинг туман бўлими томонидан келтирилган ҳар бир бош насли қўйнинг ҳисоб-китоби қатъий равишда юритилмоқда. Айти кунларда чорвадорлар учун муҳим палла – тўл мавсуми бошланди. Ҳисори қўйларнинг аксарияти эгиз кўзиляпти. Бу чорвадор учун қўшимча даромаддир. – дейди “Ўзагроинспекция”нинг Қўшработ тумани бўлими бошлиғи Ғиёсиддин Холиқов.

“Ўзагроинспекция”нинг  
Самарқанд вилояти бошқармаси  
ахборот хизмати

### Эълон

## “ТОШКЕНТ МИНТАКА” МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Олмазор кичик sanoat зонаси (Оникс)нинг 2022 йил 9 февралдаги №40/32-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Янги Олмазор кўчаси 51-уй манзилида сақланаётган, “Тишт маркаси ША-5” (ОГНО УПОРНЫЙ) Оловга чидамли 15 минг дона, бир донаси бошланғич баҳоси 8 000 сўм аукцион савдосига қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2022 йил 11 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: бир кун аввал соат 16:00 да. 2022 йил 11 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 18 ва 25 март кунлари 11:00 да ўтказилади Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 1 кун аввал. Белгиланган 3 савдо кунларида сотилмаган тақдирда, 2022 йил 30 декабрга қадар ҳар hafta чоршанба куни соат 11:00 да савдо бўлиб ўтади. Савдо ғолибига 3 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Ғолиб

харидор сотилиш баҳосидан 3 фоз савдо ташкилотчисига тўлаб беради. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фозидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини АТБ “Капиталбанк”нинг Яшнобод филиали, х/р:20208000405363013002 МФО: 01136, СТИР:308305364 тўлайди.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 71-233-28-52. 90-358-38-07.

Гувоҳнома №.965941.

"Қалайнав" МФЙ ҳудудида Хунармандлар маркази қуриляпти



# РИШТОН КУЛОЛЧИЛИГИ

## ДУНЁ БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

# Ф

АРФОНА ВИЛОЯТИНИНГ РИШТОН ТУМАНИ КУЛОЛЧИЛИГИ БИР НЕЧА АСРЛИК ТАРИХГА ЭГА БЎЛИБ, БУГУНГИ КУНДА ҲАМ БУ КЎХНА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ЕТТИ ИҚЛИМДА МАШҲУР. УСТА-КУЛОЛЛАР ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР ЎЗИНИНГ ДИЗАЙНИ, ТАБИИЙ РАНГИ ВА ҚАЛАМПИР НУСХАЛИ НАҚШЛАРГА БОЙЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. АЙНИ КУНЛАРДА БУ АНЪАНАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА.



Кулолчилик ҳадисини пухта эгаллаган Шокиржон Аҳмаджонов кулолчилик кластерини ташкил этди. Қиймати 5 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳа ишга туширилгач, 30 та доимий иш ўрни яратилди. Шунингдек, ҳудуддаги 3 минг нафар аҳоли касаначилик асосида ишга жалб этилди.

– 2022 йилдан маҳсулотларимизни Россияга экспорт қилиш учун 5 миллион долларлик шартнома имзоланди, – дейди Ш.Аҳмаджонов. – Айтиш керакки, айни пайтда кластернинг ҳар бир аъзоси меҳнатига қараб, ойига ўртача 2-4 миллион сўмгача даромадга эга бўлмоқда.

Риштонлик яна бир уста-кулол Алишер Робитов яшаш хонадонидан ташкил этган устахонасида 12 нафар шогирди билан бирга кулолчилик маҳсулотларини тайёрлаб Россияга экспорт қилмоқда.

Ҳозирда туман кулоллари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар асосан Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Россия каби

турли хорижий давлатларга экспорт қилинади. Яқин истиқболда экспорт географиясини янада кенгайтириш мақсадида дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари тадбиркорлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Тадбиркор Исролжон Орифжонов "Чинор плюс 2020" туристик мажмуаси ҳамда кулолчилик марказини барпо этмоқда. Риштон тумани "Оқер" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган мажмуанинг лойиҳа қиймати 37 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 12 миллиард сўм тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобига тўғри келади. Жорий йил июль ойида фойдаланишга топширилиши режалаштириляётган туристик мажмуада меҳмонхона, сауна, ёзги ва қишки бассейн ва бошқа хизмат кўрсатиш шаҳобчалари жойлашган бўлиб, Риштон туристик салоҳиятининг янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Ушбу мажмуага ёндош ҳудудда барпо эти-

лаётган Кулолчилик марказида ҳам қурилиш ишлари якунига етказилмоқда.

"Қалайнав" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида эса Хунармандлар маркази қуриляпти. 0,8 гектар майдонда қад ростлаётган 2 қаватли Хунармандлар марказининг лойиҳа қиймати 22,4 миллиард сўмни ташкил қилади. 16 та хунармандлар хонадонини ўз ичига оладиган марказ лойиҳаси учун "Ўзсанот-ақриллишбанк" АТБ томонидан имтиёзли кредит ажратилган.

Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги "Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида барпо этиляётган ушбу мажмуа Риштон туманида 2021-2022 йилларда қуриб битказиладиган тўртта янги Хунармандлар марказининг бири бўлади.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА МУХБИРИ.

## ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Фавкулотда вазиятларнинг тахминан 12 фоизи ис газидан заҳарланиш ва газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши оқибатида содир бўлади. Нохуш вазиятлар рўй бермаслиги учун қишки мавсумга тайёргарлик кўриш, бунинг учун эса иттиш ускуналарининг саз эканлигига эътибор бериш зарур.

Иситиш мавсумида энг эътиборли жиҳат шундаки, аввало аҳолининг ўзи мол-мулкни, уй-жойини ёнғин хавфидан ҳимоя қилмоғи керак. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этиш, доимо ҳушёр бўлиш, ёш болаларни газ ёқиш-учириш ишларига жалб этмаслик лозим. Газ иситиш қурилмаларидан ва электр асбобларидан эҳтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш, иситиш печларини ишлатишдан аввал мўриконларини тозалашни унутмаслик керак. Мўрикон яқинида қуруқ пичан ва шунга ўхшаш тез ёнувчи нарсаларнинг бўлишига йўл қўйилмаса, ёнғин хавфи камадади.

Азиз ҳамюртлар! Агарда, хонада газ йиғилиб қолганини сезсангиз, зудлик билан хонанинг эшик ва деразаларини очиб, шамоллатинг, электр жиҳозларини ёқманг, ёниқ бўлса ўчирманг, газни беркитинг! Унутманг, ёнғин хавфсизлиги қоидалари умримиз гарови.

**Баҳодир ИРСИМБЕТОВ,**

Тошкент тумани ФВБ профилактика ва назорат бўйича инспектори.

## АХОЛИНИ РО'УХАТГА ОЛИШ УШУ БОСҚИЧДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Aholini ro'yxatga olish bu mamlakat aholisining muayyan vaqtdagi "fotosurati"ni olish imkonini beruvchi umumdavlat miqyosidagi keng ko'lamli tadbir bo'lib, aholi to'g'risidagi ishonchli axborot manbai hisoblanadi. Ro'yxatga olish qanday amalga oshiriladi?**

Mazkur jarayon uchun bosqichda amalga oshiriladi. Birinchisi, tayyorgarlik bosqichi bo'lib, uch yilga yaqin vaqt davom etadi. Ikkinchisi, asosiy bosqich bo'lib, bunda bevosita aholini ro'yxatga olish amalga oshiriladi, ya'ni aholi to'g'risidagi ma'lumotlar yig'iladi, nazorat tekshiruvini o'tkaziladi va aholini ro'yxatga

olish materiallari topshiriladi. Bu taxminan ikki oy muddatni tashkil etadi. So'nggi bosqich qariyb uch yil davom etib, olingan ma'lumotlar kodlashtirish yordamida tahlil qilinadi va natijalari e'lon qilinadi.

**O'tkir BAKAYEV,**  
Shayxontohur tumani statistika bo'limi boshlig'i.

## ОЗДИРАДИ, ЁШАРТИРАДИ, ҚОННИ КЎПАЙТИРАДИ...

**Танангиз мадорсизланаётганини сезаяпсизми, давосини узоқдан ахтарманг-да, уйдаги бор маҳсулотларга диққат қаратинг.**



Мисол учун, кузда пишадиган қарсилдоқ турпга. У шамоллашда асқотишини ҳаммамиз биламиз, аммо хотирани чархлаши, сариқ касалидан кейин жигарга энг керакли қувватдори бўлиши, сочларни қалинлаштириши ва камқонликни самарали даволашдан беҳабардирсиз? Камсукумгина сабзавот ўзида шунча сир яширганига ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Ахир унда барча витаминлар намоён, калий

ва кальций, темир ва магний борлигидан эса энг сара дармондори ўзини боса олишига шубҳа йўқ.

Беҳоллик, кайфият тушиши, мушакдаги оғриқдан қийналаётган бўлсангиз, овқатдан олдин 2 ош қошиқдан турп ширасини қабул қилинг. Ўт йўлларидан сафро йиғилиши, хотира панд беришидан азият чекадиганлар ҳам турпни тез-тез истеъмол қилиб туришлари керак.



## Китоб – энг яхши совға

Кексалик гаштини сураётган нурунийларимиз ўз ҳаёти давомида орттирган тажрибаларидан келиб чиқиб, суюкли набираларига китоб совға қилишга одатланганида ҳам ҳикмат мужассам. Барча соҳалар бўйича илмни чуқур эгаллашнинг йўли битта – китоб ўқиш. Дунёни фақат илм билан забт этиш мумкин.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 103-сонли имкониети чекланган болалар учун ихтисослашган мактаб-интернатда 14 февраль – Халқаро китоб совға қилиш куни муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирда ҳомий ташкилотлар вакиллари томонидан ўқувчиларга жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона асарлари тўхта қилинди. Ўзига хос китоб байрами болаларга қувонч бағишлади.

Маълумки, дунё мамлакатларида Халқаро китоб совға қилиш куни 2012 йилдан бери нишонланиб келинмоқда. Бундан кўзланган мақсад биринчи навбатда болалар ва ўсмирларга қаратилгани, уларда китоб мутолаасига қизиқиш ва китобга меҳр уйғотиш назарда тутилгани билан янада муҳим аҳамият касб этади. Халқаро китоб совға қилиш куни жуда қизиқарли тарзда ўтади. Бунинг учун катта молиявий харажатлар талаб этилмайди. Сиздан жавонингиз ёки дўкондан китоблар олиб, дўстларингизга, танишларингизга, оила аъзоларингизга, ҳатто нотанишларга беришингиз, кутубхона, мактаб, меҳрибонлик уйи, хайрия ташкилотига совға қилишингиз талаб этилади, холос.

Дарҳақиқат, китоб билимлар хазинаси, тафаккур қаноти ҳисобланади. Ёшлар онгига китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг ҳар хил усуллари бор. Халқаро китоб совға қилиш куни муносабати билан ўтказилган тадбирлар ҳам ушбу эзгу мақсадга хизмат қилади.

**Суяндик МАМИРОВ,**

Яшнобод туманидаги 103-сонли мактаб-интернатининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

### Эълонлар

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси та-сарруфидоги "Хўжалик ҳисобидоги тиббий кўрик бўлими" давлат корхонаси Яшнобод филиали №295094, №295095, №295219, №295247, №295248, №295275 ва №295287 серияли рақамлардаги 083 шакл маълумотнома бланкалари йўқолганлигини маълум қилади. Шу муносабат билан мазкур ҳужжатлар ҳақиқий эмас ва ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Улар топиб олинган тақдирда қайтариш илтимос қилинади. Телефон +998 71 289-43-17.

Тошкент давлат консерваторияси томонидан 1995 йилда Расуллов Шухрат Бахтиёрович номига берилган № 071751 (рўйхат рақами 7713) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан 2013 йил 3 июлда Хажамова Хадича Хамраевна номига берилган шаҳар йўловчилар транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи O'zR серияли, 120120 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази жамоаси собиқ Қишлоқ ҳўжалиги Фанлар академияси муҳбир аъзоси **Балташ АБДУОЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририяти жамоаси жамоанинг собиқ ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, уюшма масъул котиби Муҳиддин Абдусаммадга отаси **Исмат АБДУСАМАДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**QISHLOQ  
HAYOTI**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси комплекси таркибидоги ҳамда  
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,  
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТООИР,  
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.  
НАШР ИНДЕКСИ – 144.  
Бюртма Г-247. 1878 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.  
Факс – (0-371) 233-09-93.  
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.  
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 21.45